



Farg'onaazot

aksiyadorlik jamiyati



fargonaazot_uz



AO Farg'onaazot



www.azot.uz



info@azot.uz



fargonaazot.uz



t.me/fargona_azot

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

№ 3 (1691) 2021-yil, 23-mart.

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Kimyodan



Юртимизга хуш келдинг «НАВРЎЗ»



Наврўз барчамиз учун неча минг йиллик тарихга, қадимий асл миллий, шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига онгу-тафаккурига чуқур сингиб кетган энг семимли баҳор байрамидир.

У ажодларимизнинг табиатни, дунёни, коинотни, ўзини-ўзи англаши билан меҳнат жараёнлари неғизда шаклланиб, тараққиёт босқичларида халқимизнинг турмуш тарзи, эътиқоди, миллий қўшиқлари, ўйинлари, томошалари, маросимлари билан бадиий-эстетик равишда ривожланиб борган. Мазкур байрамдаги ўдум ва аъналарнинг ҳар бири ўзига хос раамий маъно касб этган бўлиб, замирида ажодларимизнинг эзгу мақсадлари ётади.

Айни кунларда қўлғу қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, яшариш ва янгилашни рами, шарқона янги йил - Наврўзи оламини қўтиб олиш маросимлари ва хурсандчилиги барчамизнинг қалбимизда чексиз ҳаяжон уйғотмоқда.

Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқа байрамлардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу айёمنى ҳар бир хонадон, ҳар бир оила энг катта орзу ниятлар билан қўтиб олади. Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтожларга беминнат ёрдами, табаруқ кексаларимизнинг дуосини олиши каби

ноёб фазилатлар, албатта, ҳамиша яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга қўлайди.

Бу йилги Наврўз байрами вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ сайллари тарзида ўтказилаётганлиги унга ўзгача фойз ва шукўҳ бағишламоқда. Фарғоналиклар бир бирларини қўлаб, дала ва қирлар, бог ва майдонларда Наврўз байрамини шоду-хуррамлик билан нишонламоқдалар. Дошқозонларда сумалаклар пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, сайл ва томошалар қилмоқдалар. Шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқдалар. Ўзаро меҳр оқибат, саховат ва муравват кўрсатиш, табаруқ кексаларимизни йўқлаш, ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, ҳашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўзнинг фойзига янада фойз қўшмоқда.

Ҳақиқатан ҳам биз ҳаётимизни баҳорсиз, Наврўзсиз тасаввур қилолмаймиз. Халқимиз ҳар йили Наврўз мўъжизаси билан юзма-юз келиб, ундан руҳий қувват олади. Наврўз янги-янги интилишлар, изланишлар, ижодий парвозларга қанот бўлади. Нафақат табиат, балки ўзимиз ҳам янгиланамиз бу фаслда. Бир сўз билан айтганда, Наврўз - янгилашни, яшариш, қуриш ва яратиш каби буюк мақсадларнинг

халқимизга хос бўлган қадриятларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу йилги Наврўз аввалгидек ҳар томонлама хосиятли, қўлғу қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда. «Farg'onaazot» акциядорлик жамияти ҳам ушбу санани катта тайёргарлик билан эзгу ниятлар ила қўтиб олмақда.

Шаҳримиз марказида жойлашган Ислон Каримов номидаги Фарғона Театр-концерт саройида корхонамизнинг барча ишлаб чиқариш цехлари тансиқ таомлар ва хунармандлик маҳсулотларини намойиш этди. Байрамда миллий либослар, ранг-баранг ашула ва рақс, турли

бадиий чиқишлари, уюштирилаётган халқ ўйинлари, қўйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақслар барчада катта таассуротлар қолдирди. Вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров байрамга ташриф буюриб, корхонамиз ишчи-ходимларини янгилашни ва яшариш байрами - Наврўз билан муборакбод этди. Цехлар томонидан ташкил этилган байрам дастурхони ҳамда саҳна кўринишларини юқори баҳолади. Маълумки, корхонамизда ҳар йили Наврўз байрами муносабати билан цехлар ўртасида қўриқ-танлов ўтказилиши яхши бир аънамага айланган. Бу йилги байрамга ҳам цехлар томонидан катта тайёргарлик кўрилди. Байрам кўни цехларнинг намойиш этган миллий таомлари, баҳорий саҳна кўринишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Ўлкамизнинг барча гўшаларида Наврўз байрами кенг нишонланиши одатга, халқ сайлига айланган.

Зеро, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам - шарқона янги йил ўзининг янгилашни, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалбига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадри, азиз ва суюкли миллий байрамдир. Бу кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида баҳорий таомлару, турли миллий ўйинларга алоҳида ўргу берилади. Хусусан, миллий таомларимиздан сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара қабилар байрам дастурхонининг кўрқига айланади. Айниқса, сумалак базмларининг ўзгача гашти бор.

НАВРЎЗИ ОЛАМ — ШАРҚОНА ЯНГИ ЙИЛ, АЗИЗ ВА СУЮКЛИ МИЛЛИЙ БАЙРАМДИР

Наврўз байрами Ўрта Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгарироқ мавжуд бўлган. Наврўз байрами ҳақида Абу Райхон Бериунийнинг «Қитоб ат тақвим» ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида маълумот берилди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида баҳорга ва Наврўз байрамга бағишланган халқ лирик қўшиқларидан намуналар учрайди. Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» китобида Наврўз байрами ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Мазкур маълумотларга кўра, Сосоний подшоҳлари 6 кунда 6 тоифа халқни қабул этганлар ва тортиқлар улашганлар. Наврўз кўни маҳбусларни озод қилиш аънаси ҳам бўлган. Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» китобида ёзишча, байрамни ўтказишнинг шоҳлар учун махсус тартиб қойдаси бўлган. Уй-жойларни тозалаш, қўқат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш, марҳумлар қабрларини зиёрат қилиш қабилар оддий халқ орасида ҳам одат тусига кириб қолган.

Қувонарли томони шундаки, бугун минг йиллик Наврўз аънаалари ҳали ҳам давом этмоқда. Жумладан, юртимизда ҳам инсонларга эътибор шу даражага кўтарилдики, ҳатто жазо тизимини энгиллаштиришга қаратилган сиёсат амалга ошмоқда. Шу боис, адабиёт жинояти йўлига кирган содир этган қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бирига айланди. Зеро, адашганлар ҳам шу мамлакат фуқароларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан, ватандошларимиз, асосан аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги қуролли моjarолар ҳудудидан юртимизга қайтарилгани ҳақиқий инсонпарварликнинг намунасидир. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Наврўзни халқимиз қадим-қадимдан фақат янги кун, янги йил шодиёнаси сифатида нишонлаш билан чекланиб қолмаган. Бу кун келгуси ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар, янгилашлар ва бунёдкорликлар учун янги даврнинг бошланиши, деб қаралган. Ана бир қувонарли томони шундаки, ўтган йили йўлга қўйилган тизимга

мувофиқ, 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилингани катта воқеадир. Ийиллар ўтиб, бу 950 нафар илми қизларимиз Ўзбекистоннинг ёруғ истиқболига ўз хиссасини қўшади.

Олий маълумотли бўлишни истаган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизими жорий қилиниб, ота-онанинг бирдан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳоқимлик ва олий ўқув юрти ҳисобидан қўлаб бериладиган янги тизим яратилгани айни мудио бўлди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши аъзоси бўлган ҳолда, бундан кейин инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини намойиш этаверади. Зеро, қадимдан Наврўз Шарқ халқларининг баҳор байрами сифатида 21 мартдан бошланиб, бир неча кунлаб давом этган бўлса, Янги Ўзбекистон халқи учун ҳар кун Наврўз бўлади. Чунки юртимизда уйи йўққа бошлана берилса, иш йўққа касб-хунар ўргатилиб, бандлиги таъминланса, оилавий, ёшлар ва аёллар тадбиркорлиги учун имтиёз ва имконият яратилса, соғлигини тиклаш учун "йўл харита"ларига кўра, барчага тиббий ёрдам кўрсатилса, устоз ва мураббийларга фахр ва ҳурматда бўлса, йўлдан адашганларга кечиримлик сиёсати билан имкон берилса, бундай эзгу амаллар учун барчамиз шукрона келтирамиз. Одатда, Наврўз байрамидан 15 кун олдин Ўзгудой ёки арпани ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан сумалак тайёрланаётганида лапар айтилган, ёшлар наврўзни кечаси билан ухламасдан эртак ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулгу билан қўтиб олишган. Отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар, сайил ўтказилган.

Яна бир қувончлиси, Тошкентдаги Наврўз боғи айнан халқимизга муносиб тўхфа бўлиб, ушбу байрам нишонланадиган бундай боғ бирорта мамлакатда йўқ. Шу жиҳатдан, Наврўз қадриятлари ва моҳиятини англашга қаратилган боғ халқимиз маънавий ҳаётидаги энг катта янгилик бўлди.

Биз ғурур билан айтаемизки, бизнинг Ўзбекистонга ва халқимизга фақат Наврўз ярашар....

Ў.А.

Ўзимизнинг шоирлар!

ЯНГИ КУН ВА ЯНГИ ДАВРОН МУБОРАК!

Табиат уйғонди, дехқон жонсарақ,
Кўёшнинг нурида рангин камалақ.
Гулларнинг шоҳида ўйнар капалақ,
Халқим, қалдирғочга айвон муборак.
Янги кун ва янги даврон муборак!

Қишининг аёзидан қолмади дарақ,
Кўёшга интилиб ниш ёрди данак.
Дошқозонда ҳалим, қайнар сумалақ,
Байрамларга туташ ҳар он муборак.
Янги кун ва янги даврон муборак!

Тонг-сахар кўчга сепилган сувлар,
Сочига толпопуқ таққан сулувар,
Кўнгилда губор йўқ, шодон қий-чувар,

Дилларни яйратар сурон муборак.
Янги кун ва янги даврон муборак!

Гулларга бурканди адир ва боғинг,
Тоғлардан ҳам баянд номузинг, оринг,
Мадҳингни қўйласин хофизинг, торинг.
Бешиқларда ётган полвон муборак,
Янги кун ва янги даврон муборак!

Эзгулик ва ёрқин манзиллар томон,
Буюк йўлда юрган эй улуг қарвон,
Сафаринг беҳатар ва бўлсин равон.
Орзуларга тўла ҳар тонг муборак,
Янги кун ва янги даврон муборак!

**Муроджон МИРЗАЕВ,
ИХҚБ бошлиғи ўринбосари.**

ГЎЗАЛ БАҲОР ЯНА ҚАЙТА КЕЛАВЕРСИН!

Баҳор келиб қорлар эриб кетаверсин,
Тошқин сойлар шошиб-шошиб оқаверсин.
Йигит-қизлар бир-бирига ёқаверсин,
Гўзал Баҳор яна қайта келаверсин!

Қолмасинлар бир-биридан юрак безиб,
Уйнасинлар чаманзору боғлар кезиб.
Бу ҳаётнинг гўзаллигин гаштин сезиб,
Гўзал Баҳор яна қайта келаверсин!

Тошқин сойдек умр шошиб ўтар экан,
Ҳар фасл ҳам меҳмон бўлиб кетар экан.
Соғинганда баҳор фаслин кутар экан,
Гўзал Баҳор яна қайта келаверсин!
Ийилар ўтиб, қоламизда ўйга толиб,
Ешлиқдаги ширин дамлар ёдга олиб.
Ҳар баҳорда ёшлигимиз эсга солиб,
Гўзал Баҳор яна қайта келаверсин!

Содиқжон ХАЛИЛОВ, ИХҚБ соқчиси.

Эҳтиром!

Аёллар меҳнати ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Халқимиз азалдан гўзаллик тимсоли бўлган муҳтарам аёлларимизни, дилбар қизларимизга алоҳида ҳурмат қўрсатиб, уларнинг фидойилик ва меҳр-мурувват, ҳаёт давомчилири, ўзгача латофат ва гўзаллигини ўзида мужассам этган ажойиб зот сифатида эъзозлаб келган. Бугунги кунда аёлларга ғамхўрлик қўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугун аёлларимиз нафақат оилада, балки, жамиятимизнинг турли жабҳаларида, ўзларининг садоқати, ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан сафарлият олиб бормоқдалар. Байрамлар баҳона шижоатли қалб эгалари эҳтиром этилиб, улар учун маданий дам олиш тадбирлари, концерт дастурлари намойишлари ташкил этилмоқда.

8 март - "Халқроқ хотин-қизлар кўни" муносабати билан "Кимёгар" тўйхонасида завод аёллари учун концерт дастури намойиш этилиб, нафосат маликалари улуғланди.

Латофат, ибо-ҳаё, малоҳат, назокат, вафо ва садоқат ана шу гўзал хисларни ўзида мужассам этган хотин-қизларимиз бугун ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, ишчанлик, фидойилик каби эзгу жиҳатлари билан ҳам оила, жамиятимиз раванқига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Аёл у нафақат она, аёл бу сингил, аёл бу опа, аёл бу сеvimли ёр, бека, раҳбар ҳўллас бугунги давр аёлининг серкирра фаолиятини қўриб кўз қувонади. Аёлларимиз бугун хунармандчилик, фермерлик соҳасида илгор. Тиббиёт, илм-фан, маданият, санъат қўйинки уларнинг

фаоллигини ҳар бир соҳада яққол қўриш мумкин. Биргина хотин-қизларнинг сая-ҳаракатлари ишлаб чиқариш муассасалари, саноат корхоналарида самарали меҳнатлари, фидойиликлари билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга тобора ортиб, юртимиз иқтисодиёти янада юксалимоқда. "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятида ҳам ана шундай илгор, ўз касбига меҳри ўзгача, шижоатли аёлларни учратиш мумкин. Корхона раҳбарияти томонидан заводда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий жиҳатдан ёрдам бериш, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш, саноатликларини мустақкамлаш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирда корхонада 7300 дан ортиқ ишчи-хотим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 2530 нафари аёллардан иборатдир. Ходим аёлларимизнинг 210 нафари олий маълумотга қолганлари эса ўрта, ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Жамоада 18 нафар аёллар эса турли бўлимларни бошқариб келишмоқда. Уларнинг шижоати, ташаббускорлиги доимо касбдошларига ўрнак бўлиб келади.



Байрам оқшомини "Farg'onaazot" АЖ бошқарув раиси Абдулатто Салижанов очиб берди. У жамиятимизнинг барча хотин-қизларини байрам билан чин орақдан табриклаб, уларга бахт, фаровонлик, меҳнатларида янгидан янги ютуқлар тилаб қолди.

Таъната давомиди "Фарғона наволяри" қўшиқ ва рақс ансамбли ижодий гуруҳи томонидан шўҳ қўшиқлар, қуй ва рақслар ижро этилди. Турли миллат тилларидан қўйланган қўшиқлар, рақслар шодиёна катнашчиларини дўстликка, бирдамликка қўлаб, барчага бирдек завқу шавқ улашди.



ҲАШАРДА БАРЧА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ

Азалдан халқимизда байрамларга катта тайёргарлик кўрилиб, кўча-кўйлар, маҳаллаларни обод қилишга, ён-атрофни озода, покиза, тартибли, саранжом ҳолда сақлашга жиддий эътибор қаратилган.



Ушбу байрамда урф-одатларимиз, қадрият ва анъаналаримиз акс этган оммавий сайиллар ўтказиш, ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз кўмак бериш билан бирга хайрия тadbирлари ва оммавий ҳашарларни ўтказиш яхши бир анъанага айланган. Ҳашарларда ёши, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқаролар фаол иштирок этиб, юртимизни янада обод, файзли, тоза ва озода бўлишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

«Farg'onazot» АЖнинг меҳнат жамоаси ҳам ҳар йилдаги меҳнат рами катта тайёргарликлар билан қарши олдилар. Республика миқёсида ўтказилган умумхалқ ҳашарида фаол

иштирок этиб, ўз меҳнатлари билан муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўтказилган ҳашарда корхона ҳудудига кўплаб меваги дарахт, гул кўчатлари ўтказилди. Эрта тонгдан корхона ҳудудидаги кўча ва ариқлар тозаланиб, дарахтлар оқланди.

Маълумотларга кўра, ўтказилган ҳашарда қарийб 10 гектардан зиёд ер майдони ободонлаштирилди, 3 километрга яқин ариқ ва лотоклар тозаланди, 30 тоннага яқин чиқинди чиқариб ташланди, бу ишларни бажариш учун 20 дан зиёд техника воситалари жалб этилди. Бундан ташқари бир минг түп меваги ва манзарали дарахтлар ҳамда гул кўчатлари экилд.

Бир сўз билан айтганда, кўтаринки ва юксак савияда ўтказилган умумхалқ ҳашарида корхонамиз ишчи-ходимлари фаол иштирок этдилар.

“FARG’ONAAZOT” АЖ: ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛДА, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

«Farg'onazot» акциядорлик жамиятида “Корхонада экспорт, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида вилоятда фаолият олиб бораётган журналистлар, блогерлар ва турли бошқармаларнинг матбуот хизмати ходимлари иштирок этдилар. Анжуманда, корхона бошқарув раиси Абдулатто Салижанов ва тегишли бўлим бошлиқлари томонидан қатнашчиларга мавзу юзасидан амалга оширилган ишлар, ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ҳамда корхонада ишчи-ходимларига айниқса, ёш мутахассисларга яратилаётган шарт-шароитлар бўйича маълумотлар берилди.

Корхонамизда 2021-2025 йиллар мобайнида, янги турдаги импорт ўрнини босувчи, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида умумий қиймати 678 млн.долларга тенг бир қатор инвестицион лойиҳалар амалга ошириш кўзда тутилган, дейди бошқарув раиси А.Салижанов.

—Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш



кўшимча 2,5 трлн.сўмга оширилиб, янги 7 хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Натижада 700 тадан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Экспорт салоҳияти 174 млн долларга ошади ва импорт ўрнини босувчи 31 млн. долларлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан “Биринчи резинотехника заводи”га 11 млн долларлик маҳсулот етказиб берилади.

Анжуманда корхона раҳбари ёшларга яратилаётган шароитлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Корхонамизда ёшларга бўлган эътибор ҳар доим муҳим масалалардан бири бўлиб келган, дейди корхона раҳбари ўз маърузасида. Хусусан, ўтган 2020 йилда пандемияга қарамасдан 249 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Жорий йилда ҳам бир қатор инвестицион лойиҳаларни амалга

ошириш эвазига бу борадаги ишларни жадал давом эттирамиз.

Жорий 2021 йил мобайнида бизнинг асосий вазифаларимиз корхонада ёшларга оид давлат сиёсатини сифатли амалга ошириш бўйича белгиланган барча дастур ва вазифаларни сифатли бажариш ва ёшларимизга эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, корхонани молиявий-иқтисодий соғломлаштириш, хавфсиз ва барқарор фаолиятини таъминлаш, маҳсулот таннаҳини пасайтириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, бу орқали янги иш ўринларини ташкил этиш ва ишчи-хизматчиларга самарали фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлади.

Анжуманда оммавий ахборот восита-

лари ходимлари қизиқтирган саволларига мутахассислар жавоб бердилар.

Шундан сўнг, журналистлар корхонада инновация йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида янги ташкил этилган Илмий-инновацион марказига таширф буурдилар. Корхонада янги маҳсулотлар турларини кўпайтириш мақсадида ташкил этилган ўшбу Илмий-инновацион марказида 12 нафар ёш олимлар фаолият юритмоқда. Ҳозирда ўшбу марказда бинар келишув асосида 4 та докторлик диссертациялари олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида иштирокчилар марказда амалга оширилаётган ишлар, янги маҳсулот турлари ҳамда ёш олимлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Корхонада касб маҳорати танлови ўтказилди



“Farg'onazot” акциядорлик жамиятида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишчи-ходимлар айниқса ёшларни касб маҳоратини юксалтириш, устоз-шогирд анъаналарини мустаҳкамлаш, салоҳиятли ва истеъдодли ходимларни танлаб олиш, иқтидорли ёшларни изланишлари учун шароитлар яратиш, ёшлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида корхона ёш ишчи ва хизматчилари ўртасида “Касб маҳорати” кўрик-танлови ўтказилди.

Ёш мутахассислар Кадрлар тайёрлаш ва Малакасини ошириш бўлими томонидан ташкил этилган танловда ўз билимларини синовдан ўтказдилар. Кўрик-танлов 6 та номинация - маҳоратли лаборант, маҳоратли электромонтер, маҳоратли НУА ва А чилангари, маҳоратли пайвандчи, маҳоратли чилангар таъмирчиси, маҳоратли технолог йўналишлари бўйича ўтказилди. Танлов 2 босқичда бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 12 март санасида танловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар ўз соҳалари бўйича билимларини назарий яъни тест орқали сынаб кўришди. Уйин шаффофлигини таъминлаш мақсадида тест натижалари шу куннинг ўзида барча иштирокчилар билан биргаликда текширилди ва баллар эълон қилинди.

15 март куни чилангар, пайвандчилар - Марказлаштирилган қурилмаларни таъмирлаш цехида, НУА ва А чилангарлари - Назорат ўлчов асбоблари ва аппаратлари цехида ўз соҳалари бўйича амалий топшириқларни бажариб беллашдилар. 16 март куни эса электромонтерлар - Марказлаштирилган электр қурилмаларни таъмирлаш цехида ва лаборантлар - Марказий кимё лабораторияси цехида амалий топшириқларни бажардилар. Технологлар - Кадрлар тайёрлаш ва Малакасини ошириш бўлимида саволларга билет тортиш орқали жавоб бердилар. Тест ва амалий топшириқдан юқори балл олган иштирокчилар орасидан ғолиблар аниқланди. Ғолиблар корхонамиз раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

АСЛО ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ!

Баҳор байрамларга бой фасл. Байрам кайфияти баҳорнинг илк кунлариданоқ сезилади. Ёнғинларнинг аксарияти қишнинг қировли кунларида содир бўлиши боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг қишда масъулиятлари анчайин ортиб, асаблар таранг тортиши сир эмас. Баҳор нафаси эса ана шу тарангликни тарқатади, ҳуш кайфият улашади. Лекин...

Таърифини келтирганимиз баҳорий туйғуларимиз лоқайдлики, бепарволикка замин яратиши ҳам бор гап. Ҳа, бу аччиқ ҳақиқат. Бунга айниқса вилоятимизда қайд этилаётган «баҳорий» ёнғинларнинг тахлилида кўриш мумкин. Афсуски, ҳуш кайфият билан баҳорни таърифлашдан бошланган мулоҳазаларим касбий тақозоси билан ноҳуш ҳолатларга улашиб кетиши аниқроққа ўхшаб қолди. Боиси об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги айрим фуқароларни чалғитиб, ҳушёрликини унутишлари ва оқибатда ёнғинга олиб келаётгани ачинарлидир.

Эҳтиётсизлик ҳақида гап кетганда, албатта қандайдир ноҳуш оқибатнинг сабаби бўлиши кўз олдимизга келади. У ҳоҳ пичоқ билан қўлимизни кесиб

олиш ёки бирор-бир кадрли идишимизни синдириб қўйиш бўлмасин кўнглимизга салгина-дил озор беради. Агар бу эҳтиётсизлик умр бўйи йиғиб-териб тиклаган иморатимиз, мол-мулкимиздан айрилишга олиб келса, бу озор қанчалик бўлишини тасаввур қиласизми? Агар ана шу эҳтиётсизлик бўлмаганида Марғилон шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласидаги хонадонлардан бирида ёнғин содир бўлмас эди. Яшаш уйининг 120 м.кв. қисми ёниб кетмаган, хонадондагилар эса баҳорнинг ёнғин-сочинли кунларида бошпанасиз қолишмаган бўлармидилар? Бу хонадонда ёнғин содир бўлиши кимнинг ҳам ҳаёлига келибди, дейсиз, агар лоқайдлик номли иллат бўлмаганида?! Ёнғин сабаби эса кўпчиликка арзимас-дек туюлувчи, кўплар аҳамият бер-



майдиган электр симларининг қисқа туташуви бўлиб чиқди. Беминнат электр қувватидан, ёруғлиқдан фойдаланишни биламиз-у (бор-йўғи ярим соат ёруғлиқсиз яшашни тасаввур қилишга кўрқамиз!) электр тармоқлари, симларига ҳам озгина эътиборли бўлиш назаримиздан қочади, гуё. Ана энди, ёнғиндан зарарланган уйни қайтадан тиклаш учун қанча вақт-у, қанча сарф-харажат кетишини ўзининг ҳулоса қилаверинг!

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини

олиш мумкин эди, албатта. Бунинг учун озгина эътибор етишмади, бизнингча. Шу ўринда жабр кўрганларга аччиқ-аччиқ сўзлар билан уларнинг «яра-рига туз сепиш» фикридан йироқмиз. Эеро, «Дўст ачитиб гапирар, душман қулдириб», деганлардек, уларга дўстлигимизни билдириб, ҳамдард бўлиш билан бирга, бошқаларни огоҳлантириб ўтмоқчи бўлди, ҳолос.

Азизбек АБДУҲАХАТОВ,
“Farg'onazot” АЖ ОБЕКТТЭБ
инспектори катта сержант.



ЗАКОВАТ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Хабарингиз бор, яқинда Пойтахтимизда миллий масс-медияни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда «Заковат» интеллектуал клуби томонидан Тошкент шаҳри ва вилояти жамоалари ўртасида «Брейн-ринг» уйинлари ўтказилди. Айтиш мумкинки, кейинги пайтларда билимдон ёшлар ўртасида «Заковат» интеллектуал уйинларида қизиқиши янада ортиб бормоқда.

Корхонамизда ҳам ёшларни ҳар томонлама қувватлаш ҳамда билиминини янада ошириш мақсадида «Заковат» уйинлари ўтказилди. Икки кун давом этган кўрик-танловда ишлаб чиқариш цехлари, бўлим ва бошқармаларидан меҳнат қилаётган ёшлардан иборат 11 та жамоа ўзаро беллашди.


Билимлар беллашувида Фарғона вилояти «Заковат» интеллектуал клуби раҳбари Шерозбек Эралиев ва Ёшлар агентлигининг Фарғона вилоят бошқармаси мутахассиси Муҳиддин Абдурахмоновлар иштирок этдилар. Дастлаб, меҳмонлар уйин шартларини иштирокчиларга айтиб ўтдилар ва уйин шаффофлигини таъминлаш мақсадида ўзлари билан олиб келган саволлар конвертини иштирокчилар олдида очиб кўрсатдилар. Уйин шартларига кўра, турнир 2 босқичдан ташкил топган. Биринчи босқичда жамоалар 12 та саволга жавоб берганларидан сўнг 10 дақиқа танаффуздан сўнг, яна 12 та саволга жавоб бердилар. Иккинчи босқичда энг кўп балл туллаган 4 та жамоа финал босқичига йўл олди. Кўрик-

танловнинг навбатдаги босқичида «Ёш кимёгарлар», «Энергетиклар», «Булуғлар», «Ҳисобчилар», «Тадқиқодчилар», «Қўтқарувчилар», «Зўқоқлар», «Локомативлар», «Алгоритм», «Баҳор» ҳамда «Иқтисодчилар» жамоалари ўзаро беллашдилар. Саволларга тўғри жавоб берган «Алгоритм», «Иқтисодчилар», «Энергетиклар» ҳамда «Ҳисобчилар» жамоалари финал босқичига йўл олдилар.

Билимлар беллашувининг иккинчи кунда 11 та жамоа беллашди. Финал босқичига «Ёшлар», «Бирдамлик», «Жўшқинлик» ва «Йўлбарслар» жамоалари йўл олдилар. Уйин шартларига кўра, финалга чиққан жамоалар ҳам бир-бирлари билан беллашдилар. Натижада 3 та жамоа яъни, «Эверест», «Алгоритм» ва «Менделеевчилар» жамоалари юқори балларни эгалладилар.

Уйин натижаларига кўра фахрий биринчи ўринни «Менделеевчилар» (Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш бўлими), иккинчи ўринни «Алгоритм» (ТЖА БТ ва Метрология бошқармаси) жамоаси ва учинчи ўринни «Эверест» (Аммиак-3 цехи) жамоалари эгалладилар. Фахрий ўринларни эгаллаган жамоалар корхонамиз раҳбарияти, ёшлар Кенгаши ҳамда Касаба уюшмаси томонидан пул маблағлари билан тақдирлаш кўзда тутилган эди.

Кўрик-танлов якунида бошқарув раиси Абдулатто Салижанов ғолиб жамоаларга пул мукофотларини ҳамда дипломларни топширди ва иштирокчи жамоаларга «Заковат» интеллектуал уйинида фаол қатнашганликлари учун ўз миннатдорчилигини билдирди.



24 мартдан —
1 апрель
санасигача
об-ҳаво
маълумоти

24	25	26	27	28	29	30	31	1 апр
+19	+21	+14	+19	+15	+13	+12	+13	+14
+7	+6	+9	+8	+9	+9	+6	+4	+3

ГРАМОТНЫЙ СПЕЦИАЛИСТ, ОТВЕТСТВЕННЫЙ СОТРУДНИК

Женщина обладает потрясающей силой духа, не боится рисковать и даже способна опередить свое время. Представители прекрасного пола восхищают, завораживают, переворачивают сознание и историю в целом.

Например, признание в профессиональном кругу. По мнению ученых, женщины могут добиться многого, несмотря на то, что у них на плечах есть и домашние обязанности. Ведь женщина – это не только хранительница семейного уюта, которая, как и весна, дарит своим родным бескрайнюю любовь и новую жизнь, но и слабый пол с сильным характером.

В наше время часто женщины работают бок о бок с мужчинами на предприятиях, в офисах, на плечах современной женщины больше забот, чем было раньше. Это требование современного мира. Сейчас женщины и девушки все больше и больше стремятся к знаниям, самосовершенствованию, карьерному росту.

Сейчас, как никогда, гендерное равенство стало одним из актуальных вопросов развития корпоративного управления в Узбекистане. Президент Узбекистана подчеркивает это в каждом своем выступлении, подписал ряд постановлений и указов, направленных на поддержку наших женщин и девушек в их начинаниях. Особое внимание женским вопросам уделено в Послании Президента Олий Мажлису.

Диспетчерская служба предприятия осуществляет оперативное регулирование хода производства и других видов основной деятельности предприятия, а также контроль выполнения сменно-суточных заданий и графиков. Своевременно принимает меры к предупреждению возможных неполадок и аварий до прибытия руководства предприятия.

Эти нелегкие задачи выполняют замечательные сотрудники-женщины службы – Санобар Ражапова, Елена Хархота, Марина Эминова, Наталья Пономаренко, Оксана Рашченко, которые с одинаковой ответственностью относятся к своим обязанностям. И все же особо хочется отметить работу старшего диспетчера Марины Эминовой.

Марина Викторовна начала свою трудовую деятельность на нашем предприятии в 1978 году, после окончания Орехово-Зуевского химико-механического техникума. Молодого специалиста приняли на работу в цех уксусного ангидрида производства СЭЦ аппаратчиком.

